

"ТАСДИҚЛАНГАН"
"ASIA ALLIANCE BANK"
акциядорлик-тижорат банки

Кенгаш Раиси

_____ Ф.М. Ташпулатов

12 апрель 2019й.

К-9-сон

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"
Ўзбекистон Республикаси
Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги

Директор

_____ А.А. Назиров

28 июнь 2019й.

Р0910-сон

КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯРАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

"ASIA ALLIANCE BANK" АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Идентификация рақами берилди:	R	U	3	0	1	P	0	9	0	1	R	4
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Миқдори 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўмни ташкил қилган номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган 50 000 (эллик минг) дона эгасининг номи ёзилган фоизли хужжатсиз корпоратив облигациялар

Чиқарилаётган облигациялар очик обуна усулида жойлаштирилади

Облигацияларнинг ушбу чиқарилиши _____ **1 (биринчи)** _____ чиқарилишдир.

Банк Кенгашининг 12 апрель 2019 йилдаги К-9-сонли Баённома қарори асосида 12 апрель 2019 йилда Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган (К-9-сонли Баённома).

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Махтумқули к., 2а-уй
Телефон: 71-231-60-00, факс: 71-289-64-44, info@aab.uz

Бошқарув Раиси

Абдукаҳоров И.А.

Бош бухгалтер

Шарипов Д.П.

Мухр

Сана: 12 апрель 2019й.

1. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури (оддий, ютукли, фоизли, фоизсиз (мақсадли) ва ҳоказо): **эгасининг номи ёзилган фоизли корпоратив облигациялар.**

2. Ушбу облигациялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 000 000 (бир миллион) сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): **50 000 (эллик минг) дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Чиқарилишнинг ҳар бир облигацияси унинг эгасига тенг ҳуқуқларни тақдим этади.

Облигация эгаси облигациянинг номинал қийматини облигацияда назарда тутилган мудатда олиш, ҳамда ушбу чиқарилишнинг шартларида кўзда тутилган тартиб ва даврийликда облигациянинг номинал қийматидан қатъий белгиланган фоизни даромад сифатида олиш ҳуқуқига эга.

Облигация эгаси Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари ва облигация чиқарилиш шартларига мувофиқ облигацияларни эркин сотиш ва бошқа тартибда бериб юбориш ҳуқуқига эга.

Облигация банк ёки унинг аффилланган шахсларининг талаблари бўйича гаров таъминоти ҳисобланмайди.

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда Банк облигация эгаларига облигациялар номинал қийматини ва фоизли даромадни ушбу облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда белгиланган тартибда тўлаб беришга мажбур.

Банк қайта ташкил этилиши ҳолатида облигация эгаси Банк томонидан облигациялар бўйича мажбуриятларни муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Банк тугатилиши ҳолатида облигация эгаси унга тегишли бўлган пул маблағларини Банк депозиторлари ва бошқа кредиторларининг мажбуриятлари қондирилганидан кейин ва қолган мулки акциядорлар орасида тақсимланишидан олдин олиш ҳуқуқига эга.

Облигация эгаси Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни олинишига нисбатан чеклашлар Банк уставидa кўзда тутилмаган. Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга мувофиқ облигациялар очик обуна усулида чекланмаган шахслар орасида жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **140 000 000 000 сўм (устав бўйича).**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **669 926 405 (олти юз олтиш тўққиз миллион тўққиз юз йигирма олти минг тўрт юз беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялар.**

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Банк томонидан облигациялар илгари жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек облигацияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар очик обуна усулида чекланмаган шахслар орасида жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки облигацияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар облигацияларни жойлаштириш муддати облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг муддати Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган кундан бир йил ичида.

Жойлаштиришнинг бошланиш санаси: облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатда эълон қилинган кундан бошлаб 15-кун. Агар ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санаси банк ҳисоб-китоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, жойлаштиришнинг бошланиш санаси ушбу кундан кейин келадиган биринчи иш кунига кўчирилади.

Жойлаштиришнинг яқунланиш санаси: ушбу чиқарилишдаги охириги облигация жойлаштирилишининг санаси, лекин Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ эмас.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: облигациялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан облигацияларни жойлаштириш эмитентга облигацияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агар эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган облигацияларни охириги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилиши уюшган биржа бозорида олди-сотди битимларни тузиш орқали белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилиши учун андеррайтер жалб қилиш кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Облигацияларни сақлаш, ҳамда облигациялар реестрини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Тўлиқ фирма номи – “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси.

Жойлашган жойи ва почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100170, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик проспекти, 107, 3-қават, телефон: 71-267-37-42, факс: 71-267-37-42. e-mail: info@deponet.uz, веб-сайт: www.deponet.uz.

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси тўғрисида маълумот:

Тўлиқ фирма номи – “Silk Capital” акциядорлик жамияти чет эл корхонаси.

Жойлашган жойи ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 59-А, телефон: 71-237-04-78, веб-сайт: www.silkcapital.uz.

11.5. Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

бу усулда жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

бу усулда жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби;

облигацияларни овоз берувчи акцияларга айирбошлаш тартиби.).

Ушбу облигациялар чиқарилиши овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган эмас, шунинг учун ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(Облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

Ушбу чиқарилишдаги бир дона облигациянинг биринчи кунидаги (ушбу чиқарилиш тўғрисидаги қарорнинг 11.2 бандига мувофиқ аниқланадиган жойлаштиришнинг бошланиш санаси) ва оралик даврнинг биринчи кунидаги жойлаштириш бошланғич баҳоси облигациянинг номинал қиймати – 1 000 000 (бир миллион) сўмга тенг, бошқа кунларда облигация жойлаштириш баҳоси унинг номинал қиймати ва берилган оралик даврда йиғилган фоизли даромади суммаси орқали аниқланади.

Бир дона облигациянинг жойлаштириш баҳоси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$P_T = \text{Nom} \times \left(1 + \sum_{i=1}^3 R_i \times D_i \div 365\right) - T$$

R_r – бир дона облигациянинг олди-сотди битим тузиш кундаги жойлаштириш баҳоси, сўмда;

Nom – бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўмда;

$R_{i(i=1..3)}$ – йиллик фоизда кўрсатилган фоиз ставка миқдори.

R_i = даромад ҳисобланадиган оралиқ даврнинг ҳар ойи бошида амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкаси, + 4%;

$D_{i(i=1..3)}$ – облигация олди-сотди битими тузилган оралиқ даврнинг бошланиш санасидан олди-сотди битими тузилган санасигача бўлган оралиқ даврнинг ҳар ойидаги кунлар сони. Бунда биринчи оралиқ давр учун D_1 ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасидан ой якунланишигача ҳисобланади;

T – фоизли даромад суммасидан ҳисобланадиган облигацияларни жойлаштиришда унинг номинал қийматига қўшиладиган солиқ қиймати, облигация жойлаштириш санасида тўлов манбаида даромад солиғини ушлаб қолиш бўйича солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари амал қилган тақдирда қўлланилади.

Бир дона облигациянинг жойлаштириш баҳоси бир тийингача бўлган аниқликда белгиланади.

Оралиқ давр бир календар чоракка тенг бўлиб, у тугаганидан кейин облигация эгасига фоизли даромад тўланади.

11.7. Облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Облигацияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, Облигациялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Облигациялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда облигациялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни тўлаш Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида нақдсиз кўринишда уюшган биржа бозорида биржа савдо қоидаларига мувофиқ тузилган олди-сотди битимлар асосида амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни пул бўлмаган воситалар билан тўлаш кўзда тутилмаган.

11.8. Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан облигациялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Белгиланган муддатда қимматли қоғозларнинг умумий ҳажмининг 30% кам ҳажмда жайлаштирилган тақдирда ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилади.

Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмий билдиришнома эълон қилади, ҳамда ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кун ҳолатига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан облигациялар эгалари рўйхатини сўраб олади.

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилиши тўғрисидаги маълумот эълон қилинган пайдан бошлаб Банк ушбу облигациялар чиқарилиши бўйича ушбу қарорда белгиланган даромад ҳисоблашини тўхтатади.

Барча облигация эгалари маблағлар ўтказилиши зарур бўлган асосий ҳисобрақамларни кўрсатиб, маблағларни қайтариш тўғрисидаги ариза билан Банка муурожаат қилишлари зарур.

Банк ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг барча эгаларига сотиб олинган облигациялар номинал қийматини ва ҳисобланган фоизларни (чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган оралиқ даврда ҳақиқий жойлаштириш муддати учун) ушбу облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган санадан 10 (ўн) кун ичида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтариб бериш мажбуриятни ўз зиммасига олади олади.

12. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот:

(Кўрсатилади: таъминот берган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи;

таъминот тури;

пул кўринишидаги таъминот миқдори.)

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар муомалага таъминотсиз чиқарилади.

13. Облигациялар муомаласининг тартиби ва муддатлари:

Облигацияларни муомалага чиқариш облигациялар чиқарилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ва Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга қўйилганидан кейин амалга оширилади, облигациялар эмитентга хизмат кўрсатувчи ваколатли инвестиция воситачидаги ДЕПО ҳисобварағига ўтказилади.

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар муомала муддати – ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан бошлаб 2 557 (икки минг беш юз эллик етти) кун.

Облигациялар муомаласи олди-сотди битимларни тузиш, ҳамда қимматли қоғозлар эгасининг алмашишига олиб келадиган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Облигациялар қимматли қоғозларнинг биржа ва биржадан ташқари бозорида муомалада бўлиши мумкин.

Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар облигацияларни олувчига унинг “депо” ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан қўчирма билан тасдиқланади.

Облигация билан тасдиқланган ҳуқуқлар облигацияга бўлган ҳуқуқлар ўтиш пайтидан эътиборан олувчига ўтади.

14. Облигациялар бўйича сўндириш ва даромадларни тўлаш шартлари.

14.1. Облигацияларни сўндириш шакли (пул воситалари, мол-мулк, айирбошлаш ва хоказо):

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар фақат нақдсиз пул маблағлари шаклида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида сўндирилади.

14.2. Облигацияларни сўндириш муддатини ўз ичига олган сўндириш тартиби ва шартлари:

(Сўндириш муддати облигациялар чиқарилишининг жойлаштирилиши бошланган пайдан бошлаб белгиланади ва қуйидагича белгиланиши мумкин:

календарь сана билан (ушбу календарь санани белгилаш тартиби билан);

муайян давр билан (ушбу муайян даврни белгилаш тартиби билан.).

Облигация муомала муддати тугаганидан кейин Банк Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барча жойлаштирилган облигацияларни кейинчалик сўндириш ва бекор қилиш мақсадида қайта сотиб олишга мажбурдир.

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сўндириш облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан 2 557 (икки минг беш юз эллик етти) кундан кейин 10 кун мобайнида амалга оширилади.

Агар сўндириш суммасини тўлаш куни банк ҳисоб-китоблари учун дам олиш кунига тўғри келса, сўндириш суммасининг тўлови ушбу дам олиш кунларидан кейин келадиган биринчи иш кунида амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сўндиришда пул маблағлари (облигациянинг номинал қиймати ва охириги давр учун фоизли даромад) тўлаш марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан 2 557-кун ҳолатига шакллантирган облигация эгалари реестри асосида облигация эгаларининг банк ҳисобварақларига ўтказиш орқали амалга оширилади.

Облигация эгасининг ёзма талаби асосида унга тегишли бўлган пул маблағлар кейинчалик облигация эгасининг ҳисобварағига ўтказилиши орқали облигация эгасининг инвестиция воситачисига тўланиши мумкин.

Агар даромад тўлаш учун шакллантирилган реестрда облигация эгаларининг банк реквизитлари ҳақида маълумот тўлиқ бўлмаса ва/ёки нотўғри бўлса, Банк облигация эгаларига тегишли пул маблағлар тўлови кечиктирилиши учун жавобгар бўлмайди. Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида облигация эгалари жорий оралиқ давр тугашидан олдин Банкка ўзларининг банк реквизитларини кўрсатган ҳолда хат юбориш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга облигациялар жойлаштиришнинг бошланиш санасидан 2 557-кун ҳолатига шаклланган реестр марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун Банк жавобгар бўлмайди.

Агар облигация эгалари реестрида облигация эгалари банк ҳисобрақамлари ҳақида маълумот мавжуд бўлмаса, ёки эскириб қолган бўлса, ушбу облигация эгаларига тегишли бўлган пул маблағлар Банкда фоиз ҳисобланмаслик шарти остида сақланади.

14.3. Облигацияларнинг ҳар бири бўйича тўланадиган даромадни белгилаш тартиби (даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби, шунингдек ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби):

Облигация эгаси облигация чиқарилиш шартларида белгиланган тартибда ўтган оралиқ давр учун облигация номинал қийматидан фоизли даромад (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда фоизли даромад тўлов манбаида солиқ ушлаб қолиниши чегириб ташланади) олиш ҳуқуқига эга. Банк томонидан облигациялар бўйича фоизли даромад тегишли оралиқ даврнинг охириги кун ҳолатига шаклланган облигация эгалари реестрида рўйхатдан ўтган облигация эгасига тўланади.

Ҳар бир оралиқ давр учун бир дона облигация бўйича фоизли даромад миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Q_r = \text{Nom} \times \sum_{i=1}^3 R_i \times D_i \div 365 - T$$

Q_r – ҳар бир оралиқ давр учун бир дона облигация бўйича фоизли даромад миқдори, сўмда;

Nom – бир дона облигациянинг номинал қиймати, сўмда;

$R_{i (i=1..3)}$ – йиллик фоизда кўрсатилган фоиз ставка миқдори.

R_i = даромад ҳисобланадиган оралик даврнинг ҳар ойи бошида амал қилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкаси, + 4%;

$D_{i(i=1..3)}$ – облигация олди-сотди битими тузилган оралик даврнинг бошланиш санасидан олди-сотди битими тузилган санасигача бўлган оралик даврнинг ҳар ойидаги кунлар сони. Бунда биринчи оралик давр учун D_1 ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасидан ой якунланишигача ҳисобланади

T – фоизли даромад солиқ қиймати, сўмда (тўлов манбаида даромад солиғини ушлаб қолиш бўйича солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари амал қилган тақдирда).

Бир донга облигация бўйича фоизли даромад миқдори бир тийингача бўлган аниқликда белгиланади.

14.4. Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва муддати, ҳар бир купон бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддатини ўз ичига олган ҳолда:

Ушбу чиқарилишдаги облигация эгаларининг фоизли даромадлари ҳар бир календар чорак якунланиши билан оралик тўловлар кўринишида амалга оширилади.

Оралик давр бир календар чоракка тенг бўлиб, унинг якунланиши билан облигация эгаларига фоизли даромад тўланади.

Фоизли тўлов миқдори ушбу корпоратив облигациялар чиқарилиши қарор шартларига мувофиқ аниқланади.

Фоизли даромад тўлови даромад ҳисобланган календар чоракдан кейин келадиган ойнинг 10-санасигача ҳар чоракда амалга оширилади.

Облигациялар бўйича даромад тўлаш графиги “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ расмий веб-сайтида (<http://www.aab.uz>) ушбу чиқарилишдаги облигация жойлаштиришнинг бошланиш санасидан эътиборан 10 кун ичида эълон қилинади.

Даромад тўлаш мақсадида Банк Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига даромад ҳисобланадиган оралик даврнинг охири кун ҳолатига облигация эгалари реестрини шакллантириш учун сўров юборади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан тақдим этилган облигация эгалари реестри асосида Банк фоизли даромад тўлаш учун облигация бўйича даромад олишга ваколатли ҳар бир шахсга тўланиши лозим бўлган пул маблағлар миқдорини ҳисоб-китоб қилади.

Марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан шакллантирилган облигация эгалари реестридаги маълумотларга тайинланган ҳолда Банк календар квартал якунланишидан кейин 10 кундан кечиктирмасдан облигация эгаларига тегишли ҳисобланган даромадни уларнинг банк ҳисобрақамларига ўтказиб беради.

Облигация эгасининг ёзма талабига кўра даромад облигация эгасининг инвестиция воситачисига кейинчалик облигация эгасининг ҳисобрақамига ўтказиш билан тўланиши мумкин. Даромад тўлаш учун шакллантирилган реестрда облигация эгаларининг банк реквизитлари ҳақида маълумот тўлиқ бўлмаса ва/ёки нотўғри бўлса, Банк облигация эгаларига тегишли пул маблағлар тўлови кечиктирилиши учун жавобгар бўлмайди. Ушбу ҳолатларни олдини олиш мақсадида облигация эгалари жорий оралик давр тугашидан олдин Банкка ўзларининг банк реквизитларини кўрсатган ҳолда хат юбориш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга даромад тўлаш учун шаклланган реестр марказий рўйхатдан ўтказувчи томонидан ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун Банк жавобгар бўлмайди.

Тўлов манбаида даромад солиғини ушлаб қолиш бўйича солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва облигация эгаларида даромад солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар мавжуд бўлган тақдирда (шу жумладан даромад солиғини тўлашдан озод этилганлиги), бундай облигация эгаси Банкка олдиндан ёзма хабарнома тақдим этиши керак. Ёзма хабарнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: имтиёз қўлланилишига асос бўлган норматив ҳужжатнинг номи (ушбу норматив ҳужжатнинг нусхаси ёзма хабарнома иловасида келтирилади), ушбу имтиёзнинг облигация эгасига ва

унинг банк реквизитларига нисбатан татбиқ этилиши учун асос. Ёзма хабарнома жорий оралиқ давр якунланишидан 5 календар кундан кучиктирмасдан Банка тақдим этилиши керак.

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизли даромад тўғрисида маълумот амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида ҳар бир календар чорак якунланганидан кейин эълон қилинади.

14.5. Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш эҳтимоли ва шартлари, хусусан: муддатидан олдин сўндиришнинг баҳоси (қиймати), облигациялар муддатидан олдин сўндиришга ундан олдин тақдим этилиши мумкин бўлмаган муддат, шу билан бирга эмитент томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби:

Облигацияларни фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рухсати билан муддатидан илгари сўндириш мумкин.

Жойлаштиришнинг якунланиш санасидан 1 827-кундан облигацияларни муддатидан илгари сўндириш Банк томонидан муомалага чиқарилган облигацияларнинг 25% миқдорида сотиб олишга аризаларни ҳар чоракда берилиши орқали бошланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилиши, суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши ва Банк қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши ҳолларида жойлаштиришнинг якунланиш санасидан 1 827-кундан олдин облигацияларни муддатидан илгари сўндириш мумкин.

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу ҳолат бўйича расмий билдиришнома эълон қилади.

15. Эмитент томонидан облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Банк корпоратив облигациялар чиқарилиш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи асл нусхалари ва нусхалари билан ариза асосида “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ офисида танишиб чиқиш мумин. Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100047, Махтумқули кўчаси, 2а, телефон: 71-231-60-00, факс: 71-289-64-44.

Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган облигация чиқарилиш тўғрисидаги маълумотлар Корпоратив ахборот ягона порталида (<https://openinfo.uz>), Банк расмий веб-сайтида (www.aab.uz) ва «Тошкент» РФБ АЖ сайтида (www.uzse.uz) эълон қилинади.